

МАҲСУЛОТ СОТИШ ВА ХАРИД КИЛИШ

№ 10 СОНЛИ ШАРТНОМА.

9 июль 2022 йил

Кува тумани.

Икки томонлама ҳужалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи "BEGAT HILOL" МЧЖ (кейинги ўринларда "Сотувчи" деб аталади) номидан раҳбар Ф.Ашурматов биринчи томон ва иккинчи томон - Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юригувчи Бувасёрда турасон 2-Виржес номидан раҳбари А.Махсудов (келгусида "Харидор" деб аталади) ўрталарида қуйидаги мақсадларда тузилди.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. "Сотувчи" "Харидор"га қуйидаги маҳсулотларни етказиб беради:

Тўғуз маҳсулотлари учун

1.2. Мазкур шартномани умумий қиймати : 6230000

Олти миллион иккис юз ўтмисъ минъ етми

(расм сў билан тўлиқ ёзилди) сўни ташки қилади

1.3. Маҳсулотлар қуйидаги турларда етказиб берилди :

№	Маҳсулот номи	Ўлчoқ бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси
1	Тўғуз	к 2	700	8900	6230000
2			2		2
	Жами :		700		6230000

2. ХИСОБ-КИТОВ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 2.1. Маҳсулот учун тулов пул утказиш йўли билан амалга оширилади.
- 2.2. Харидор шартнома умумий суммасининг 30% яъни 1869000 сўми аванс тариқасида шартнома тўлиқ кучга кирган кундан бошлаб 5 банк иш куни мобайнида, қолган яъни 4361000 сўмини маҳсулот етказиб берувчи маҳсулотни етказиб берган кундан бошлаб, 10 банк иш куни давомида маҳсулот етказиб берувчининг банк ҳисоб рақамига ўтказиб беради.
- 2.3. Маҳсулотлар учун нарх ўзаро келишилган ҳолда белгиланади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан белгиланган нархлар асос қилиб олинади.
- 2.4. Агар Давлат назорат органлари томонидан утказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида етказиб берилган маҳсулотларига белгиланган нархлар юкори деб топилса, ушбу фарқ "Сотувчи" зиммасидан қопланади.
- 2.5. Шартнома суммасидан ортиқ маҳсулот етказиб берилганда ("Харидор" оғохсиз бажарилганда) ҳисоб - китоб "Харидор" томонидан амалга оширилмайди.

3. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ.

- 3.1. Маҳсулот етказиб берувчи маҳсулотни ҳисоб рақамга аванс маблаг кслиб тушгандан 5 банк иш кунида етказиб беради.
- 3.2. "Харидор" шартномада белгиланган маҳсулотларни муассасаларга сифатли ҳамда бут холда олиб кетади ва транспорт харажатларини ўз зиммасига олади.
- 3.3. Етказиб берилган маҳсулот учун маъсул шахс томонидан ҳисоб-варақ фактурага қабул қилганлиги тўғрисида имзо йиб олган вақтдан бошлаб Харидор мулкига айланади.

4. МАҲСУЛОТНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ.

4.1. Буюртмачи ваколатли шахс қабул қилиб олиш жараёнида маҳсулотнинг ишга яроқлилигини сифатини, миқдори жиҳатдан шартномага мос келишини текшириб олиши лозим Маҳсулот тўлиқ қабул қилиб олингандан сўнг маҳсулотни сақлаш жавобгарлиги Харидор ваколатли шахс зиммасига ўтади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТИ.

- 5.1. "Сотувчи" "Харидор" томонидан юборилган вакил, муассаса раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган. ҳамда юмалоқ муҳр босилган ишонч қоғози кўрсатгандан сўнг маҳсулот беради.
- 5.2. "Сотувчи" маҳсулотни сифатини тасдиқловчи ҳужжат (мувофиклик сертификати ва санитария-гигиена сертификата, хулосаси ва ҳаказолар). ҳамда маҳсулотдан намуна тақдим этади ва айнан шу намунадаги маҳсулотларни етказиб беришга кафолат беради.
- 5.3. "Сотувчи" ҳужжатлар тугри расмийлаштирилишини уз зиммасига олади. ҳамда маҳсулотларни муассасаларга етказиб беради.
- 5.4. "Харидор" шартномада кўрсатилган маҳсулотни сифати талабга жавоб берган ҳолатдагина уни қабул қилиб олади.
- 5.5. "Харидор" қабул қилиб олган маҳсулотни шартнома талабларига номувофиклигини аниқлаган холда, "Сотувчи"га ёзма далолатнома (АКТ) юборади, ҳамда сифатсиз деб топилган маҳсулотни "Сотувчи"га кайтариб беради.
- 5.6. "Сотувчи" "Харидор"га унинг ишонч қоғозидида қайд қилинган маҳсулотлар беради. Агар "Сотувчи" томонидан "Харидор"нинг ишонч қоғозидида кўрсатилмаган маҳсулотларни, ёки маҳсулотларни ишонч қоғозидида белгиланган миқдоридан ортиқ берган холларда бу маҳсулотлар учун "Харидор" томонидан ҳақ тўланмайди.
- 5.7. "Сотувчи" томонидан "Харидор"га сифатсиз ёки сертификатсиз маҳсулотлар етказиб берилса. бу маҳсулотлар "Сотувчи"га кайтариб берилди ёки бу маҳсулотлар учун ҳақ тўланмайди.
- 5.8. "Сотувчи" етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошка кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб - варақларни белгиланган тартибда рақамлаб. тўлиқ расмийлаштириши шарт. Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати. нави ва категориялари курсатилмаган ҳисоб - варақлар бўйича тулов амалга оширилмайди.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Томонлар тарафидан шартнома шартлари бузилган ҳолларда, жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролик кодексига", "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳуқуқий базаси туғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонун ҳужжатларига, шунингдек ушбу шартномага мувофиқ белгиланади.
- 6.2. Агар "Сотувчи" томонидан "Харидор"га сифатсиз, ёки сақлаш муддатлари ўтиб кетган махсулотларни етказиб келган ҳолда "Харидор" "Сотувчи"дан бундай махсулотларнинг умумий қийматидан 10 %, лекин шартноманинг 1,2 бандида кўрсатиб утилган суммасининг 10% ошмаган ҳолда жарима қўллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.
- 6.3. Агар "Сотувчи" томонидан "Харидор" махсулотлар белгиланган муддатларида етказиб келинмаса, кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.05 фоизи миқдориде пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган махсулотлар баҳосининг 10 % фоизидан ошиб кетмаслиги керак. Агар мажбуриятларнинг бажарилмаслиги форс - мажор ҳолатларининг оқибати ҳисобланса, сотувчи пеня тулаш мажбуриятидан халос қилинади.
- 6.4. Жарималар туланиши "Сотувчи"ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.
- 6.5. Етказиб берилган махсулотнинг қиймати шартномада келишилган муддатларда. ўз вақтида туланмаган тақдирда "Харидор" "Сотувчи"га ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи миқдориде. лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 % фоизидан ортиқ булмаган миқдориде пеня тулайди. Агар мажбуриятларнинг бажарилмаслиги форс - мажор ҳолатларининг оқибати ҳисобланса, "Харидор" пеня тулаш мажбуриятидан халос қилинмайди.

7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

- 7.1. Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар буйича томонлар келишиш чораларини кўрадилар.
- 7.2. Томонлар келиша олмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан Хужалик судлари орқали хал қилинади.

8. ФОРС - МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ,

- 8.1. Шартнома тузилгандан сунг бартараф этилиши томонларнинг таъсири ва истакларига боглик булмаган вақтанча ёки узок вақт шартномани зарур даражада амалга оширишда халакит берадиган вазиятлар содир булганда. яъни табиий офатлар, ноқулай об - ҳаво шароити, ҳукумат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, ҳарбий низолар, ички тартибсизликлар ва бошқа ҳолларда, юқориде айтиб утилган ҳолатлар мавжудлиги туфайли Томонлар тарафидан шартнома мажбуриятлари бузилган деб ҳисобланмайди ва шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари ушбу ҳолатлар давом этиш вақтига сурилади.
- 8.2. Шартнома мажбуриятларини бажариш имкониятига эга булмаган томон дарҳол иккинчи томонни юқоридеги ҳолатларнинг юзага келганлиги, шунингдек бартараф этилганлиги туғрисида хабардор қилиши керак.
- 8.3. Бартараф этилиши мумкин булмаган вазиятлар содир булган ёки уларни бартараф этилгани хақида уз вақтида, 15 кундан қуш булмаган муддатда хабар бермаган Томон кейинчалик шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда, бу вазиятларни сабаб қилиб курсата олмайди,

9. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

- 9.1. Шартнома иккала томонлар имзолагандан сунг қучга қиради.
- 9.2. Шартноманинг амал қилиш муддати 20 22 йил "31 декабр" гача.
- 9.3. Шартнома томонлар қилишувига асосан "Сотувчи" томонидан етказиб берилган махсулот "Харидор" томонидан сифатсиз деб топилганда ва "Сотувчи" томонидан мазкур шартноманинг 4,1 бандлари бажарилмаганда шартнома "Харидор" томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Бекор қилинганлиги туғрисида "Харидор" "Сотувчи"га ёзма равишда, асосларни келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

10. ҚУШИМЧА ШАРТЛАР.

- 10.1. Шартнома уч нусхада тузилиб, ҳар бир нусхаси тент юридик қучга эга булиб томонларда бир нусхадан сақланади.
- 10.2. Шартномага барча узгартиришлар шкала томонлама қилишилган ва шартномага қушимча битим имзоланган ҳолда қонуний деб ҳисобланади.
- 10.3. Шартноманинг туман газначилик булими руйхатга олгандан сунг тулик қучга эга деб ҳисобланади.

11. ТОМОНЛАР ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

"СОТУВЧИ"

"BEGAT HILOL" МЧЖ

Манзили : Фарғона вилояти, Қува тумани

Қақир МФЙ, Бегат киш 98 уй

Тел / факс : + 99 890-631-23-82

Х/Р : 20203000305578261001

Банк : Миркредит АТБ Фарғона филиали

МФО : 00496 ИИН : 309351109

ОКОНХ : 81100

Рақбар :  Фахрурматов

"ХАРИДОР"

Бувайса турмон 2-ВИДУИ

Манзили : Бувайса турмон

ТУЛОУ Ч ҚОРОҚ

Тел/факс :

Х/Р : 400821860302127092300075007

Банк : Универсал банк Бувайса 9

МФО : 01151 ИИН : 200162498

ОКОНХ : 92120

Рақбар :  А. Мохамедов





“ТАСДИҚЛАЙМАН”

БУВАЙДА 2-ВИДУМИ

директори

А.Махсудов

БУВАЙДА тумани 2-Вилоят Ихтисослаштирилган Давлат Умум Таълим Мактаб Интернати
(ВИДУМИ) буйича ГУРУЧ МАХСУЛОТЛАРИ СОТИБ ОЛИШ УЧУН.

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Бувайда тумани 2-Вилоят ихтисослаштирилган мактаб интернатигуруч сотиб олиш учун.(2-ВИДУМИ)
2	Буюртмачи	Бувайда тумани 2-ВИДУМИ
3	Буюртма учун асос	Бувайда тумани 2-ВИДУМИ гуруч бўлган эҳтиёж
4	Объектнинг жойлашган ўрни	Бувайда тумани 2-ВИДУМИ
5	Қатнашувчилар учун талаблар	Бувайда тумани 2-ВИДУМИга гуруч сотиб олиш сифатли ўз вақтида бажариш. -Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги туғрисида гувоҳнома. -Солиқ тўловларидан қарзи йуклиги туғрисида маълумотнома -Олдин бажарилган ишларидан шартномалар нусха – -Ўтказиб берувчи сергификатидан нусха. -Махсулотнинг мувофиқлик сертификати бўлиши лозим
6	Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари	Бувайда тумани 2-ВИДУМИга гуруч сотиб олиш сифатли ўз вақтида бажариш. -Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги туғрисида гувоҳнома. -Солиқ тўловларидан қарзи йуклиги туғрисида маълумотнома -Олдин бажарилган ишларидан шартномалар нусха – -Ўтказиб берувчи сергификатидан нусха. -Махсулотнинг мувофиқлик сертификати бўлиши лозим
7	Бажарилган ишлар ҳисоб – китоби	- Шартнома тузилган санадан 10 иш кун ичида 30% олдин тўлов кўчириб берилади. - Бажарилган ишлар электрон ҳисоб-китоб фактуралар асосида қабул қилинади. - Бажарилган ишлар амалга ошгандан сўнг қолган 70% тўлов 30 иш кун ичида амалга оширилади.
8	Ишни бажариш муддати	10 (ўн) иш кун
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Иш бажариш жараёнида техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши шарт.
10	Махсулотга кафолат ва сервис муддати	Махсулотга 6 ой тўлиқ кафолат бериш
11	Молиялаштириш манбаи	Бувайда тумани бюджетдан ташқари маблағларидан.



Бувайда тумани 2-Вилоят
Ихтисослаштирилган Давлат Умумтаълим
Мактаб Интернати

Директори А.Махсудов А.Махсудов

19.10.2022 йил

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Фаргона -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: 2-ВИДУМИга ГУРУЧ сотиб олиш

1. Гуруч -700 кг

2. 1 кг учун- 9000 сўм

1.2. Танлов қиймати : 6300000 (Олти миллион уч юз минг) сўм.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил охиригача .

1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 «БУВАЙДА ТУМАНИ 2-ВИДУМИ» (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили:, Фаргона Бувайда туман

Эл.адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов «БУВАЙДА ТУМАНИ 2-ВИДУМИ» “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар..

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида қуйидагилар такдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- такдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси ҳақидаги қонунлари ва қарорлари билан белгилаб берилган қўшимча шартлар ва шартнома шартлари билан шартнома тузилади.

Аннотация	Шартнома
<p>1. Танловнинг мақсади ва асосий вазифалари.</p> <p>2. Танловнинг объекти ва шартнома объектларининг сифат ва миқдор талаблари.</p> <p>3. Танловнинг шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>4. Танловнинг қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>5. Танловнинг қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p>	<p>1. Шартнома объектларининг сифат ва миқдор талаблари.</p> <p>2. Шартнома шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>3. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>4. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>5. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p>
<p>6. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>7. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>8. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>9. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>10. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p>	<p>6. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>7. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>8. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>9. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>10. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p>
<p>11. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>12. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>13. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>14. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>15. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p>	<p>11. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>12. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>13. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>14. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>15. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p>
<p>16. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>17. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>18. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>19. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>20. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p>	<p>16. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>17. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>18. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>19. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p> <p>20. Шартнома қўшимча шартлари ва шартнома шартлари.</p>